

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

1. Валишер Элмуродович Абиров ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА МУНОЗАРА.....	5
2. Жалолиддин Тухташевич Аннаев ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРМИТА-ТЕРМИЗДА БУДДАВИЙЛИК.....	13
3. Феруза Парходовна Атамуратова ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА ТАРМИТА-ТЕРМИЗ.....	21
4. Мунаввар Абдурашид қизи Атамирзаева МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ.....	28
5. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ЎЗБЕКИСТОН ШИФОБАХШ ЖОЙЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯЛАР ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ....	35
6. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ТУРКИСТОН ТАБИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....	40
7. Дилафруз Аҳмедова Хусан қизи МАКТУБЛАР МАНБА СИФАТИДА.....	46
8. Oхunjon Axmat o'g'li Boboqulov MUSTAQIL KONGO DAVLATINING SSSR BILAN DIPLOMATIK ALOQALARI (davriy matbuot gazetalari tahlili asosida).....	53
9. Феруза Хаятовна Бобожонова БУХОРОДА МАКТАБ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИ (XIX АСР ОХИРИ-XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ).....	58
10. Omon Olimjonovich Gadayev MUSTAQILLIK YILLARIDA SAMARQAND VILOYATINING DEMOGRAFIK TARIXI.....	65
11. Дилорам Зияева МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎРТА АСРЛАРДА ЮЗ БЕРГАН УЙҒОНИШ. ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	71
12. Farxod Sobirovich Ziyayev TURKISTONDA MUSTABID SOVET TUZUMIGA QARSHI QUROLI HARAKAT.....	77
13. Ubaydulla Mamat o'g'li Ismoilov SUYURLITEPA YODGORLIGI O'RNIDAGI SHAHARNING TARIXIY NOMI XUSUSIDA MULOHAZALAR.....	84

14. Baxtiyor Safarovich Nazirov JADID VAKILLARINING AHOLINI SOG‘LOMLASHTIRISH BORASIDAGI QARASHLARI.....	109
15. Рустам Абдуваид ўгли Неъматов ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА ХОРАЗМ ВОҲАСИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	114
16. Дилорам Сангирова ЎРТА АСР ДАВЛАТЧИЛИК РАМЗЛАРИ СЎЗ ВА ТАСВИРДА.....	120
17. Lyudmila Mixaylovna Sokolova ANDIJON, NAMANGAN, FARG‘ONA VILOYATLARIDAGI HUNARMANDLAR USTOZIGA BAG‘ISHLANISH MAROSIMINING IBTIDOSI HAQIDA.....	130
18. Фазилат Нормуродовна Тургунова СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	142
19. Баходир Босимович Тўйчибоев ҚОЯТОШ ЁДГОРЛИКЛАРНИ САҚЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ MASALALARI ХУСУСИДА.....	147
20. Раъно Нортўхтаевна Тўхтаева ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН Кейинги ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ...154	154
21. Dilshod Inomjon o‘g‘li To‘xtasinov NORIN VA QORADARYO ORALIG‘I HUDUDLARINING MANBASHUNOSLIK TAHLILI VA UCHTERA-2 YODGORLIGINING ARXEOLOGIK JIHATDAN O‘RGANILISHI.....	159
22. Mansur Xayrullayevich Fayzullayev XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИГА ДОИР MASALALARНИ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	170
23. Rashid Mamatkulovich Xolmurodov TARIXIY O‘LKASHUNOSLIK FANINI O‘RGANISHDA SHAROF RASHIDOV MUZEYI MANBALARIDAN FOYDALANISH.....	177
24. Tuyg‘un Rajabovich Ernazarov TURKISTON GENERAL GUBERNATORLIGIDA BOJXONA XIZMATINING TASHKIL ETILISHI VA UNING FAOLIYATIDAN LAVHALAR (Rossiya imperiyasi va Xitoy aloqalari misolida).....	182
25. Бахтиёр Эргашевич Юлдашев, Светлана Владимировна Темирова ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ МУҚАДДАС КИТОБИ “АВЕСТО”ДА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАР.....	187
26. Алишер Яркулов АРХЕОЛОГИЯ МЕРОСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ТУРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ ХУСУСИДА.....	195
27. Abdurahmonova Nodiraxon Xusnutdinovna HUQUQIY MADANIYAT VA DEMOKRATIYA: IJTIMOIIY FALSAFIY YONDASHUVLAR VA KONSEPSIYALAR.....	202



Жалолиддин Тухташевич Аннаев,
 Мирзо Улуғбек номидаги
 Ўзбекистон Миллий университети
 Тарих факультети Археология кафедраси т.ф.ф.д. (PhD).
 email: jaloliddinannaev@gmail.com

ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРМИТА-ТЕРМИЗДА БУДДАВИЙЛИК

For citation: Jaloliddin T. Annaev, THE FATE OF BUDDHISM IN THE MEDIEVAL TARMIDH-TERMEZ. Look to the past. 2023, Special issue 1, pp.13-20

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8072191>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола ўрта асрлар даври Тармита-Термизда буддавийлик ёдгорликлари ҳолати ва буддавийлик тақдири масаласига бағишланган. Мақолада Муҳаммад Ҳаким Термизий мақбараси ўрнида, ундан шимолий ва шарқий ҳудудда ҳамда Дунётепада амалга оширилган тадқиқотлар натижасининг қисқача баёни келтирилган. Ғорсимон иншоотлар турлари ва фаолият босқичлари аниқланган. Ғорсимон иншоотлар археологик топилмалари эса Шимолий Тохаристоннинг Қоратепа, Зартепа, Оқтепа II манзилгоҳи ва Кучуктепа каби ёдгорликлари топилмалари билан қиёсий таҳлил қилинган. Тадқиқотлар натижаси таҳлили асосида илк ўрта асрлар ва араб истилоси даврида Тармита-Термизда буддавийлик тақдири масаласига бир қадар ойдинлик киритилган.

Калит сўзлар: Буддавийлик, Тармита-Термиз, Муҳаммад Ҳаким Термизий мақбараси, буддавийлик ғорсимон иншоотлари, Қоратепа, Зартепа, кушон-сосонийлар даври мажмуалари.

Жалолиддин Тухташевич Аннаев,
 д.ф.и.н.(PhD) кафедраси Археологии
 исторического факультета
 Национального университета
 Узбекистана имени Мирзо Улугбека.
 email: jaloliddinannaev@gmail.com

БУДДИЗМ В СРЕДНЕВЕКОВОМ ТАРМИТЕ-ТЕРМЕЗЕ

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена вопросу о состоянии буддийских памятников и судьбе буддизма в средневековом Тармите-Термезе. В статье приводится краткое описание результатов исследований, проведенных на месте мавзолея Мухаммада Хакима Термизий, на участках к северу и к востоку от него, а также на территории Дунетепы. Определены основные

этапы функционирования выявленных пещерных сооружений, выделены их типы. Археологический материал пещерных сооружений сопоставлен с находками из Каратепа, Зартепа, городища Актепа II и Кучуктепа Северного Тохаристана. На основе результатов археологических исследований были внесены некоторые уточнения о судьбе буддизма в Тармите-Термезе в период раннего средневековья и накануне арабского завоевания.

Ключевые слова: Буддизм, Тармита-Термез, мавзолей Мухаммада Хакима Термизий, буддийские пещерные сооружения, Каратепа, Зартепа, комплексы кушано-сасанидского периода.

Jaloliddin T. Annaev,

PhD of the Department of Archeology,
faculty of History of the National University of
Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek.
email: jaloliddinannaev@gmail.com

BUDDHISM IN THE MEDIEVAL TARMIDH-TERMEZ

ABSTRACT

This article is devoted to the issue of the condition of Buddhist monuments and the fate of Buddhism in medieval Tarmidh-Termez. The article provides a brief description of the results of research conducted at the site of the mausoleum of Muhammad Hakim Tirmidhi, in areas to the north and east of it, as well as on the territory of Dunyotepa. The main stages of functioning of the revealed cave structures are determined, their types are distinguished. The archaeological material of the cave structures was compared with the finds from Karatepa, Zartepa, settlements of Aktepa II and Kuchuktepa of Northern Tokharistan. Based on the results of archaeological research, some clarifications were made about the fate of Buddhism in Tarmidh-Termez in the early Middle Ages and on the eve of the Arab conquest.

Index Terms: Buddhism, Tarmidh-Termez, mausoleum of Muhammad Hakim Tirmidhi, Buddhist cave structures, Karatepa, Zartepa, complexes of the Kushan-Sasanian period.

1. Долзарблиги:

Тармита-Термизнинг кушонлар даври буддавийлик ёдгорликлари буддавийлик таълимотини Шимолий Бактрия ва унга қўшни бўлган тарихий-маданий ўлкалар худудида ёйилишида муҳим ўринга эга бўлган. Археология ва ёзма манбалардан ҳам маълумки, Бактрия-Тохаристон ўлкаси (ҳозирги Сурхон воҳаси, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон)да ислом дини ва маданияти ёйилиши арафасида ҳам етакчи динлардан бири буддавийлик ҳисобланган.

XX асрнинг 20-90-йиллари оралиғи ва XXI аср бошларида Бактрия-Тохаристон ва унинг мафкуравий марказларидан бири ҳисобланган Тармита-Термиз буддавийлик ёдгорликларининг археологик жиҳатдан кенг ўрганилишига қарамасдан мазкур худуд буддавийлик таълимоти билан боғлиқ айрим масалалар баҳс-мунозаралигича қолмоқда. Бундай долзарб муаммолар сирасига илк ўрта асрлар ва араб босқини даврида буддавийлик таълимоти ва у билан боғлиқ иншоотлар тақдири, буддавийлик анъаналарининг ислом даври меъморчилигининг шаклланишидаги ўрни, буддавийлик ва ислом цивилизациясининг ўзаро таъсири кабиларни киритишимиз мумкин.

2. Методлар:

Ушбу мақолада Тармита-Термизнинг илк ўрта асрлар ва араб босқини даврида буддавийлик ёдгорликларининг тақдири борасида амалга оширилган археологик изланишлар натижаларини таҳлил қилиш, Мухаммад Ҳаким Термизий мақбараси яқинида аниқланган буддавийлик ғорсимон иншоотларини даврлаштириш ва типларга ажратиш, археологик топилмалар қиёсий таҳлили, тарихийлик ва ҳолислик каби илмий тадқиқот усулларида фойдаланилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Тармита-Термиз буддавийлик иншоотлари маълум бир тарихий жараёнлар натижасида илк ўрта асрлар даврига келиб аста-секинлик билан ўз аҳамиятини йўқота бошлаган, хусусан, йирик буддавийлик монастирлари Фаёзтепа ва айникса, Қоратепа милодий V асрдан бошлаб кабристон сифатида фойдаланила бошланган. Шу билан бир қаторда, Муҳаммад Ҳаким Термизий мақбараси ўрнида ва ундан шимолий ва шарқий ҳудудда ҳамда Дунётепа ўрнида милодий IV-V асрлар даврида навбатдаги буддавийлик монастири шаклланади[1].

IX асрда машҳур ислом илоҳиётчиси ва илк сўфийлик асосчиларидан бири бўлган Муҳаммад Ҳаким Термизий мақбараси жойлашган ҳудуд бу – Термиз рабодининг жануби-ғарбий қисми ҳисобланади[2]. 1954 ва 1990 йилларга оид топографик тасвирларга кўра, мақбарадан шимолий ва шимоли-шарқий тарафда жойлашган ҳудудларнинг айрим қисмлари баландлиги 3 метр бўлган тепаликлардан иборат бўлган. Мақбара яқинида маҳаллий аҳоли томонидан “чиллахона” деб номланувчи зинали тушиш қисмига эга бўлган ғорсимон иншоот жойлашган. Ушбу иншоотда 1958 йилда В.А. Козловский томонидан тозалаш ишлари амалга оширилган[3].

1994 – 1996 йиллар давомида эса ўзбек – француз Бактрия экспедицияси томонидан Муҳаммад Ҳаким Термизий мақбараси яқинида 5 та ғорсимон иншоотлар қазиб очилади. 2001 йилда мақбаранинг шимолий тарафида археологик қазилмалар қайта тикланади ва яна 3 та ғорсимон иншоотлар ўрганилади[4].

Бу ерда 1994 йилдан ҳозиргача маҳаллий аҳоли орасида “чиллахона” сифатида маълум бўлган ғорсимон иншоот билан бирга буддавийликка оид 10 дан ортиқ ғорсимон иншоот қазиб ўрганилган[5]. Археологик қазилмалар жараёнида аниқланган ғорсимон иншоотлар ўзининг меъморий тарҳи тузилишига кўра қуйидаги типларни ташкил этади:

I. Йўлак кўринишидаги узун кириш қисмига эга бўлган бир камерали ғорсимон иншоотлар.

II. Томонлари равокли йўлакларга эга ғорсимон иншоотлар.

III. Ўзаро боғланган қўшалоқ ғорсимон иншоот[6].

Ўрганилган ғорсимон иншоотлардан еттита бири биринчи типга ва биттадан эса иккинчи ҳамда учинчи типларга оидлиги аниқланган. Ушбу ғорсимон иншоотлар барпо этилган ҳудуд тўртламчи давр кум қатламидан ташкил топган бўлиб, ғорсимон иншоотлар барпо этиш учун жуда қулай ҳисобланади. Ғорсимон иншоотларни барпо этишда ҳунарманд-усталар меъморчиликнинг маълум бир қоидаларига амалга қилишган. Масалан: қазиб очилган иншоотлар аксариятининг (айникса биринчи типга оид ғорсимон иншоотлар) кириш қисми жануб томонга, ҳужраларнинг ўзи эса шимол томонга қараб барпо этилган. Бу қурилиш услуби, биринчи навбатда, уларни ёруғлик билан таъминлаш шарти билан боғлиқ бўлган.

Аниқланган ҳар бир ғорсимон иншоотнинг меъморий тарҳи тузилишига батафсил тўхталсак:

Биринчи типга оид ғорсимон иншоотларнинг кириш қисми тор йўлак кўринишида бўлиб, кенглиги 80 смдан 90 смгача бўлган. Уларнинг кириш қисми зиналардан иборат бўлиб, айримлари 16 та зинадан ташкил топган. Йўлакларнинг деворлари эса турли ўлчамдаги токчалар билан безатилган. Кириш қисмининг охирида эшик ўрни (баландлиги 2 метргача) жойлашган бўлиб, ўз навбатида, йўлакни хонанинг ички қисми билан боғлаган. Биринчи типдаги ғорсимон иншоотларнинг ҳужралари баландлиги 2,00 метргача бўлиб, квадратсимон шаклда (2x2,05м ва ҳ.зо.) бўлган. Ўз навбатида, ҳужралар ички тарафи деворларида токчалар ўрнатилган. Шифтда эса тўсин излари кузатилиб, унга ёритиш ускуналари ва бошқа буюмлар ўрнатилган.

Ғорсимон иншоотларнинг иккинчи типи бу – йўлак билан боғланган бўлиб, унинг жануби-ғарбий тарафида умумий кириш қисми жойлашган. Умумий кириш қисми зинали тор йўлак кўринишида бўлган. Бундай турдаги иншоотларнинг ҳужралари икки табақали эшик ўрнига эга бўлган. Ҳужраларнинг ички томони ўлчамлари 2,55x2,85 метр бўлиб, баландлиги эса 2,00 метрдан ортиқроқ. Ҳужралар ва шунга ўхшаш бошқа хоналар ички қисми деворлари токчалар билан безатилган ва деворларда тўсинлар излари кузатилади.

Ғорсимон иншоотларнинг учинчи типи бу – ўзаро боғланган ғорсимон иншоотлар бўлиб, тарҳи тузилиши жиҳатидан ярим хоч шаклини эслатади. Эни 0,80 см бўлган кириш қисми унинг шарқий тарафида жойлашган бўлиб, ҳар иккала иншоот учун умумий ҳисобланган. Жанубий тарафда жойлашган ғорсимон иншоот иккита эшик ўрнига эга. Деворларда сақланиб қолган эшик ўрнига кўра, биринчиси ёғочли қайтарма, иккинчиси эса юқори қисми тўртламчи кум қатламига ўйиб ишланган гумбазли кўринишда бўлган. Ҳар иккала эшик кириш қисми оралиғидаги ҳудудда, йўлакнинг ҳар иккала томонида, ўлчамлари 1,50x1,70 м бўлган бир-бирига қарама-қарши жойлашган токчалар ўрнатилган. Хужранинг яшаш учун мўлжалланган қисми тўғрибурчак шаклида бўлиб, ўлчамлари 2,55x 2,65 ва 2,00 м ни ташкил этади. Хужранинг шимоли-ғарбий бурчагида суфа жойлашган ва ичкарасида эса кириш қисмига перпендикуляр токча ўрнатилган.

Иккинчи ғорсимон иншоот шарқдан ғарбга томон йўналган бўлиб, хужранинг йўлак қисми 10 та поғонали зинадан иборат бўлган. Ушбу ғорсимон иншоот қўшни иншоот сингари иккита эшик ўрни ва деворларида токчаларга эга. Хужранинг яшаш учун мўлжалланган қисми баландлиги тахминан 2,00 метрни ташкил этиб, ички қисмида учта токча ўрнатилган ва айланасимон шаклга эга[7].

Тадқиқотлар давомида аниқланган топилмалар асосида ғорсимон иншоотларни куйидагича даврлаштириш мумкин.

1. Биринчи босқич: милодий IV асрдан VIII асрнинг иккинчи ярмигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда ғорсимон иншоотлар буддавий роҳиблар хужраси вазифасини бажарган.

2. Иккинчи босқич: VIII асрнинг биринчи ярми ва X асрнинг 60-йиллари билан даврлаштирилади. Бу давр мақбара атрофидаги ғорсимон иншоотларининг қайта фойдаланилиши билан изоҳланади. Мазкур ғорсимон иншоотлардан IX асрдан бошлаб X асрнинг 60-йилларига қадар Муҳаммад Ҳаким Термизий ва унинг маслакдошлари ҳам ўз фаолияти давомида фойдаланганлар. Шунингдек, милодий IX асрда Мовароуннаҳрда сўфийлик асосчиларидан бири бўлган Муҳаммад Ҳаким Термизий буддавийлик ҳақида маълумотларга эга бўлган ва тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, унинг маълум бир асарларида буддавийликка оид маълумотлар қайд этилган[8]. Бундан ташқари, илоҳиётчи олим ҳинд манбалари билан ҳам таниш бўлган, хусусан, унинг “Солнома” асари ҳинд мутафаккирларининг асарлари асосида яратилган[9].

3. Учинчи босқич X асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ғорсимон иншоотларнинг аста-секин яроқсиз ҳолга келиб кўмила бошланиши билан белгиланади. Бу борада ғорлардан бирининг юқори қатламидан Сомоний Абдулмалик ибн Нуҳ ва Куттегин номидан милодий 957–958 йилларда Термизда зарб этилган фулус гувоҳлик беради[10].

Муҳаммад Ҳаким Термизий мақбараси атрофида жойлашган ғорсимон иншоотларни ўрганиш жараёнида ҳам мазкур иншоотларни фаолият босқичларини ойдинлаштирувчи қатор археологик ашёвий манбалар тўпланган. Ушбу ғорсимон иншоотлардан жами 126 та сопол идиш бўлаклари, шунингдек, буддавийлик санъати йўналишида ясалган терракота ҳайкалча намунаси ҳам ўрганилган. Ушбу буюмлар юқори сифатли қилиб тайёрланган бўлиб, турли нақш ва шаклларга эга. Вазифасига кўра, ошхона ва хўжалик буюмларига ажратилади.

Ошхона идишларини катта ва кичик ўлчамдаги қадах, қадахсимон идишлар, ошхона тоғоралари ва кўзалар ташкил этган. Чироғдон ва хумлар эса хўжалик идишларини ташкил этади.

Қадахсимон идишлар юпка деворли, оғиз қисми бироз ичкарига қайрилган ярим шарсимон шаклда. Идишларнинг тағдони эса айланасимон, текис ёки унчалик сезиларли бўлмаган чуқурчалардан иборат. Юқори сифатли сариқ лойдан тайёрланган. Икки томонлама зич тўқ жигарранг ангоб билан қопланган. Ушбу идишлар юқори сифатлилиги билан белгиланади.

Навбатдаги гуруҳни ошхона тоғоралари ташкил этади. Ушбу идишларнинг барча намуналари яхши ишлов берилган лойдан сифатли пишириш йўли билан тайёрланган. Идишларнинг шакли кесилган конус кўринишида бўлиб, баъзи ҳолатда ички ва баъзан эса

ташқи тарафида оғиз қисми бўйлаб зич жигарранг ангоб билан қопланган. Бундай турдаги идишларда биз қуйидагича нақш кўринишини кузатишимиз мумкин: параллел жойлашган чуқурчалар ва бўртиқлар кўринишидаги ажратиб кўрсатилган бош қисми, айрим ҳолатларда бир қаторли тўлқинсимон тирналган чизиклар ёки параллел жойлашган бир нечта қаторли чизикларга эга. Ушбу чизиклар тагида, идишнинг ички тарафида, жигарранг ангоб устидан пардоз чизикларини кузатиш мумкин. Идишлар тутқич қисмининг қуйидаги шакллари аниқланган: бармоқлар воситасида босиш йўли, оғиз қисмига ёпиштириш йўли билан ясалган, барбатин нақши билан безатилган вертикал ўрнатилган тутқичлар ёки идиш чети тиш шаклида чўзилган кўринишда.

Кўзалар ҳам турли хил ва оригинал бўлиб, улар кичик шаклдаги битта тутқичли кўзалардан тортиб вертикал ўрнатилган битта тутқичли йирик кўзалардан иборат. Тумшукли бир тутқичли кўзалар сирти ташқи тарафдан зич жойлашган ангоб билан қопланган. Пишириш жараёнига қадар ангоб тугаган қуйи қисмида, сирти бўйлаб айланасимон шаклда чуқурча туширилган. Вертикал ўрнатилган битта тутқичли эйнохонли кўзалар. Ушбу идишларнинг бош ва бўғиз қисми саёз ёки айланасимон чуқурчалар қатори билан безатилган. Пиширилгунга қадар лойга учли ўткир буюм билан ишлов бериш натижасида эйнохонли кўзанинг бўғиз қисми четлари тишсимон кўринишда, бош қисмининг тепаси эса бурчаклар кўринишидаги нақшлар билан безатилган. Идишнинг ички тарафи, бош қисми четлари бўйлаб, шунингдек, ташқи томони ҳам зич тўқ жигарранг ангоб билан қопланган. Ўз навбатида, ангоб устидан худди шундай рангдаги жило бериш излари кузатилади.

Косалар ҳам қадахсимон идишлар каби тоза сарғиш Амударё гилмоясидан сифатли қилиб тайёрланган. Гардиши эса ички қисмига қайрилган ҳолатда. Ташқи ва ички томонларидан қалин жигарранг ангобга бўялган. Баъзи бир косаларнинг ташқи тарафи қўшимча жигарранг бўёқларда вертикал кўринишда безалган. Баъзи бир нусхаларда ички қисмида босма услубда арча барги кўринишдаги нақш берилган. Шунингдек қазималар жараёнида вертикал ўрнатилган катта тутқичли сув ташиш учун мўлжалланган идишлар намуналари ҳам аниқланган. Вертикал бўғиз қисми ажратиб кўрсатилган. Ушбу тавсифи берилаётган идишларда қуйидаги қолип усулида туширилган нақш турлари кузатилади: идишнинг ташқи тарафида, сирти бўйлаб, тутқич қисми асосига “будда оёқ излари” кўринишидаги қолип нақш, идишнинг бўғиз қисми тагида икки томондан чегараланган чизиклар билан берилган арчабарг нақш ёки нақшнинг ён томонларида бир-бири билан кесишган ялтироқ жигарранг чизикли нақшлар, ташқи тарафида чизиклар тагида параллел жойлашган беш қатор арчабарг нақшлар, бўғиз қисми тагида саёз чуқурчалар кўринишидаги чизиклар билан ажратилган арчасимон нақшлар қатори, бўғиз тагида параллел қаторли (беш қатор) юлдузчали ёки жигарранг жилоли чизиклар билан биргаликдаги ромбсимон нақшлар. Одатда, ушбу турдаги кўзанинг ташқи тарафида токи сиртининг ярмигача, нақшлар қатори устидан жигарранг ва тўқ жигарранг жилоли ангоб билан қопланган.

Хўжалик идишлари чироғдон ва хум кўринишидаги йирик бочкасимон идишлардан иборат.

Чироғдонлар унчалик баланд эмас, паст бўйли бўлиб, сариқ лойдан тайёрланган. Шакли кесилган конус кўришида бўлиб, тагдони эса текис. Ажратиб кўрсатилган бош қисми бироз чироғдоннинг ички тарафига қайрилган.

Тутқич қисмининг юқори тугалланган жойи маймун боши кўринишидаги сопол идишлар Бактрия археологик мажмуаларида тез-тез учрайдиган топилмалар ҳисобланади. Тутқич қисми маймун боши тасвири туширилган сопол идишлар буддавийлик маркази ҳисобланган Қоратепа, шунингдек, Фаёзтепа ва Зартепада аниқланган[11]. Бундан ташқари, бундай турдаги сопол идишлар Кушон даври қишлоқ типдаги манзилгоҳлари, айниқса, Оқкўрғон манзилгоҳида ҳам учрайди[12].

Буддавийлик диний маркази Қоратепадан топилган бундай турдаги зооморф тутқичлар милодий IV аср[13], Зартепа топилмалари эса милодий IV-V асрнинг биринчи ярми билан даврлаштирилади[14]. Арчасимон, ромб, юлдузча, қонун ғилдираги, “будда оёқ излари” кўринишидаги қолип нақшлар билан безатилиши Шимолий Бактриянинг кушон-

сосонийлар даври мажмуаларининг ўзига хос томони ҳисобланади. Бундай турдаги сопол буюмлар, хусусан, “будданинг оёқ излари”, қонун ғилдираги кўринишидаги нақшли кўзалар, ташқи тарафида жило берилган қадахлар, турли хил тутқичли геометрик нақшга эга ошхона тоғоралари, шунингдек, Қободиённинг кушон-сосонийлар даври археологик мажмуалари (Октепа II манзилгоҳи ва бошқалар), Зартепа ёдгорлигидан топилган “барбатин” усули асосида тайёрланган тутқич қисми вертикал ўрнатилган идишлар милодий IV ва V асрнинг биринчи ярми билан[15], Оққўрғон манзилгоҳи (юқори горизонтал сатх)[16] ва Қоратепа буддавийлик марказининг худди шундай турдаги топилмалари эса милодий IV аср билан белгиланади[17].

Мазкур ғорсимон иншоотлардан топилган сопол буюмларнинг баъзи бир шакллари, шу жумладан, четлари бироз ички тарафга қайрилган юпка деворли яримшарсимон қадахларга ўхшаш сопол буюмлар илк ўрта асрлар даврига оид Кучуктепа (Эски Термиз атрофи) кўшиқдан топилган ва милодий VI аср билан қайд этилган сопол идишлар ичида ҳам учрайди[18]. Ғорсимон иншоотлар сопол буюмларининг катта қисми милодий IV-V асрлар билан даврлаштирилади, ушбу сопол идишларнинг маълум бир гуруҳига ўхшаш сопол буюмлар милодий VI аср Шимолий Тохаристон сопол буюмлари ичида ҳам учрайди.

4. Хулосалар:

Мустақиллик йилларида Ватанимизнинг қадимги ва ўрта асрлар даври моддий ва маданий меъросини ўрганиш борасида янги давр бошланади. Ушбу йўналиш доирасида Тармита-Термиз буддавийлик мажмуаларида кенг кўламдаги археологик изланишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон-Япония, Ўзбекистон-Франция ва Ўзбекистон-Корея ҳамкорлигидаги халқаро ҳамда маҳаллий экспедициялар тадқиқотлари натижасида Тармита-Термиз буддавийлик мажмуаларининг меъморий тарҳи тузилиши ва фаолият босқичлари, нумизматика, тасвирий санъат ва буддавийлик эпиграфикасига оид янги ашёвий манбалар кўлга киритилди. Муҳаммад Ҳаким Термизий макбараси яқинидаги ғорсимон иншоотларнинг казиб очилиши ва ўрганилиши асосида Тармита-Термизда ҳам Бомиён ва Шарқий Туркистондаги сингари ўзига хос буддавийлик ғор меъморчилиги мактаби қарор топганлиги ва тараққий этганлиги кузатилди. Бундан ташқари, мазкур ғорсимон иншоотларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида кўлга киритилган археологик топилмаларни ўрганиш ва таҳлили эса илк ўрта асрлар ва араб босқини даврида Тармита-Термизнинг буддавийлик иншоотлари ҳолати ва буддавийлик тақдири масаласига бир қадар ойдинлик киритиш имконини берди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Аннаев Ж. Пещерные сооружения у мавзолея ал Хаким ат-Термизий // Материалы Международной научной конференции «Актуальные проблемы механики и горного машиноведения, развития науки и интеграции ВУЗов». Международный научный журнал. Наука, образование, техника, №2(30), часть 2. – Ош, 2009. – С.15–18. (Annaev J. Cave structures near the mausoleum al Hakim at-Tirmidhi // Proceedings of the International Scientific Conference “Actual problems of mechanics and mining engineering science, the development of science and the integration of universities.” International scientific journal. Science, education, technology, #. 2 (30), part 2. – Osh, 2009. – Pp. 15–18.)
2. Массон М.Е. Надписи на штуке из архитектурного ансамбля у мавзолея Хакими ат-Тармизи // Археология Средней Азии. – Ташкент: 1960. – С. 44–80. (Masson M.E. Inscriptions on a piece from the architectural ensemble near the Hakimi at-Tarmizi mausoleum // Archeology of Central Asia. – Tashkent: 1960. – Pp. 44–80.)
3. Аннаев Т. Ал – Ҳаким ат-Термизий. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1998. – 31 б. (Annaev T. Al-Hakim at-Tirmidhi. – Tashkent: Peoples Heritage Publishing House named after Abdulla Qadiri, 1998. – 31 p.); Чориев З. Аннаев Т, Муртазов Б, Аннаев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 67–68.

- (Choriev Z., Annaev T., Murtazoev B., Annaev J. Al-Hakim at-Tirmidhi. – Tashkent: Yangi asr avlodi, 2008. – Pp. 67–68.)
4. Leriche P., Pidaev Sh. Termez in Antiquity. After Alexander: Central Asia before Islam // Proceeding of the British Academy. Oxford University, – London. 2007. – Pp. 189.
 5. Чориев З., Т. Аннаев., Муртазоев Б, Аннаев Ж. Ал-Хаким ат-Термизий. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. –Б. 67–78. (Choriev Z., Annaev T., Murtazoev B., Annaev J. Al-Hakim at-Tirmidhi. – Tashkent: Yangi asr avlodi, 2008. – Pp. 67–78.); Аннаев Ж. Пещерные сооружения у мавзолея ал Хаким ат-Термизий // Материалы Международной научной конференции «Актуальные проблемы механики и горного машиноведения, развития науки и интеграции ВУЗов». Международный научный журнал. Наука, образование, техника, №2(30), часть 2. – Ош, 2009. – С.15–18. (Annaev J. Cave structures near the mausoleum al Hakim at-Tirmidhi // Proceedings of the International Scientific Conference “Actual problems of mechanics and mining engineering science, the development of science and the integration of universities.” International scientific journal. Science, education, technology, #. 2 (30), part 2. – Osh, 2009. – Pp. 15–18.); Kazim Abdullaev. The Buddhist culture of Ancient Termez in old and recent finds // Parthica. Incontri di culture nel mondo Antico. – Pisa-Roma. Fabrizio Serra editore, 2013. – Pp.160; Mkrttychev T. K. Buddhism and Features of the Buddhist Art of Bactria-Tokharistan. After Alexander Central Asia before Islam. Proceeding of the British Academy. Oxford University, – London. 2007. – P. 469.
 6. Annaev J. Cave-constructions near the mausoleum al Hakim al – Tirmidhi and the problem of Buddhism in the early medieval Termez // A collection of republican conference materials. – Tashkent, 2011. – Pp. 45–48.
 7. Аннаев Ж.Т. Пещерные сооружения у мавзолея ал Хаким ат –Термизи // Актуальные проблемы механики и горного машиноведения, развития науки и интеграции Вузов. Международный научный журнал. Наука, образование, техника, №2(30), часть 2. – Ош, 2009. – С.15–18. (Annaev J. Cave structures near the mausoleum al Hakim at-Tirmidhi // Proceedings of the International Scientific Conference “Actual problems of mechanics and mining engineering science, the development of science and the integration of universities.” International scientific journal. Science, education, technology, #. 2 (30), part 2. – Osh, 2009. – Pp. 15–18.)
 8. Muhammad Ibrahim al – Geyoushi. “al Hakim al – Tirmidhi: his works and thoughts”// The Islamic quarterly. Vol XIX, #4, 1970. –P. 193; Кныш. Д. «ат - Термизи» // Ислам. Энциклопедический словарь. – М., 1991, – С. 237–238. (Knysh. D. “at - Termizi” // Islam. Encyclopedic Dictionary. – М., 1991, – Pp. 237–238)
 9. Аннаев Т. Ал – Ҳаким ат-Термизий. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1998. – С. 7. (Annaev T. Al-Hakim at-Tirmidhi. – Tashkent: Peoples Heritage Publishing House named after Abdulla Qadiri, 1998. – P. 7.)
 10. Чориев З. Аннаев Т, Муртазоев Б, Аннаев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б.71–84. (Choriev Z., Annaev T., Murtazoev B., Annaev J. Al-Hakim at-Tirmidhi. – Tashkent: Yangi asr avlodi, 2008. – Pp. 71–84.)
 11. Буддийский культовый центр Кара-тепе в Старом Термезе (Кара-тепе III). – М.: Наука, 1972. – 177 с. Табл. XVII. (Buddhist cult center Kara-tepe in Ancient Termez (Kara-tepe III). – М.: Nauka, 1972. – 177 p. Tab. XVII.); Сычева С. Керамика Кара-тепа // Новые находки на Кара-тепе в Старом Термезе. – М.: Наука, 1975. – С. 129–132. Рис. 52. (Sycheva S. Ceramics of Kara-tepa // New finds at Kara-tepe in Ancient Termez. – М.: Nauka, 1975, – Pp. 129–132. Figure 52.); Пидаяев Ш.Р. Қадимги Ўзбекистонда буддавийлик ва буддавий мерос. – Тошкент: О’zbekiston, 2011. – Б. 117. (Pidaev SH. R. Buddhism and Buddhist heritage in Ancient Uzbekistan. – Tashkent: Uzbekistan, 2011. – P. 117.); Абдуллаев К.А., Завьялов В.А. Буддийские мотивы в городской культуре Северной Бактрии (по материалам Зар-тепа) // ВДИ. – М., 1985. № 4. – С.119–120. (Abdullaev K.A., Zavyalov V.A. Buddhist motifs in the urban culture of Northern Bactria (based on Zar-tepa materials) //

- VDI. – М., 1985. #. 4. – Рр. 119–120.); Завьялов В.А. Зартепа // КИДУ. Кн: 2. – М., 1991. Рис. 376–377. (Zavyalov V.A. Zar-tepa // KIDU. Book: 2. – М., 1991. Fig. 376–377.)
12. Пидаев Ш.Р. Поселения кушанского времени Северной Бактрии. – Ташкент: Фан, 1978. – С.76. Рис. 23,2. (Pidaev SH.R. Settlements of the Kushan period of Northern Bactria. – Tashkent: Fan, 1978. – P.76. Fig. 23.2.)
 13. Пидаев Ш.Р. Қадимги Ўзбекистонда буддавийлик ва буддавий мерос. – Тошкент: O'zbekiston, 2011. – Б.115. (Pidaev SH.R. Buddhism and Buddhist heritage in Ancient Uzbekistan. – Tashkent: Uzbekistan, 2011. – P. 115)
 14. Абдуллаев К.А., Завьялов В.А. Буддийские мотивы в городской культуре Северной Бактрии (по материалам Зар-тепа) // ВДИ. – М., 1985. № 4. – С.119–120. (Abdullaev K.A., Zavyalov V.A. Buddhist motifs in the urban culture of Northern Bactria (based on Zar-tepa materials) // VDI. – М., 1985. #. 4. – Рр. 119–120.)
 15. Седов В.А. Кобадян на пороге раннего средневековья. – М.: Наука, 1987. – С. 54–58. Табл. XII–XIV. (Sedov V.A. Kobadian on the threshold of the early Middle Ages. – М.: Nauka, 1987. – Рр. 54–58. Tab. XII–XIV.)
 16. Абдуллаев К.А., Завьялов В.А. Буддийские мотивы в городской культуре Северной Бактрии (по материалам Зар-тепа) // ВДИ. – М., 1985. № 4. – С.119–120. (Abdullaev K.A., Zavyalov V.A. Buddhist motifs in the urban culture of Northern Bactria (based on Zar-tepa materials) // VDI. – М., 1985. #. 4. – Рр. 119–120.)
 17. Сычева С. Керамика Каратепы // Новые находки на Кара-тепе в Старом Термезе. – М., Наука, 1975. – С. 129–132. (Sycheva S. Ceramics of Kara-tepa // New finds at Kara-tepe in Ancient Termez. – М.: Nauka, 1975, – Рр. 129–132.)
 18. Аннаев Т. Д. Раннесредневековые поселения Северного Тохаристана. – Ташкент: Фан, 1988. – 198 с. Табл. 5. (Annaev T. D. Early medieval settlements of Northern Tokharistan. – Tashkent: Fan, 1988. – 198 p. Tab. 5.)

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000